

# ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

2007 йил, 4 апрель, Чоршанба

**XXI АСР САДОСИ**  
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 65 (10.874)

Баҳоси эркин нархда

**ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ**  
Янгиликлар, воқеалар

## Кеска сатрларда

● **БУГУН** Бектемир туманидаги «Зилола» маҳалласида «Оила кодекси: унинг оила ва хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоясидаги ўрни» мавзусида туман хотин-қизлар кўмитаси, туман ФХД бўлими ҳамкорликларида уюштирилган давра суҳбатида маҳалланинг фаол аёллари иштирок этишди.

● **ЎТГАН** кунги Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси қошидаги Солиқ академиясида қизлар ўртасида уюштирилган кўрик-танлов «Истеъдод маликалари» деб номланди.

● **МИРОБОД** туманидаги «Корасув» маҳалласида Наврўзи олам муносабати билан маҳалла фаоллари, ёшлари, кам таъминланган оилалар вакиллари иштирокида уюштирилган тадбирда йиғилганларга баҳорий таомлар тортилди, концерт дастури намойиш этилди.

● **БУГУН** Мирзо Улуғбек туманидаги «Узакбел» очик акциядорлик жамиятида Маънавият тарғибот марказининг туман бўлими ташаббуси билан ўтказилган тадбир Амир Темур таваллудининг 671 йиллигига бағишланди.


● **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйи қошидаги «Куёшча» тасвирий санъат студияси аъзолари томонидан тайёрланган расмлар кўргазмаси намойиш этилди.

● **ИЖТИМОЙ** ҳимоя йили муносабати билан Тошкент шаҳар 17-клиник шифохонасида яқиндагина ташкил этилган Шошилиқ кардиология ва Кардиореанимация бўлимларида замонавий тиббий технологиялар келтирилди.

● **ШАХРИМИЗДА** санъат соҳаси мутасаддилари иштирокида уюштирилган йиғилишда Бадий академияда ташкил этиладиган Бадий, бадий ва амалий санъат тўртинчи Тошкент халқаро кўргазмасини бекаму-кўст ўтказиш масаласи муҳокама қилинди.

● **298-МАКТАБДА** «Фан ойлиги» тадбири доирасида уюштирилган йиғилишда мактабларнинг кимё фани ўқитувчилари иштирок этишди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).



## Иқтисодиёт

### ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ДАРАЖАСИДА

**ЎТГАН ЙИЛДА ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАГАН «НУА LU» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ХОРИЖИЙ КОРХОНАСИ МАМЛАКАТИМИЗДА ЯГОНА САНАЛИБ, БУ ЕРДА ТАЙЁРЛАНГАН РАҚОБАТБАРДОШ ВА СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР ХИТОЙ, ХИНДИСТОН ВА ЕВРОПАНING БИР ҚАНЧА МАМЛАКАТЛАРИГА ЭКСПОРТ ҚИЛИНМОҚДА.**

Ушбу хорижий корхона хусусида тўхталар эканмиз, унинг мамлакатимизда чет эл инвесторларига яратилган шарт-шароит, қулай муҳит самараси эканлигини таъкидлаш ўринли. Корхона 100 фоиз Хитой капитали ҳисобига ташкил этилган бўлиб, устав фонди 1 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Пилладан ипак тоналари ишлаб чиқараётган жамоада асосан маҳаллий хом ашёдан фойдаланилмоқда. Корхона цехлари 500 минг АҚШ долларидан ортиқ технологик линиялар билан жиҳозланган бўлиб, йиллик қуввати 120 тонна ипак иплар ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Корхона тадбиркорларининг асосий мақсади ишлатиладиган хом ашё ва тайёр маҳсулот сифатининг жаҳон андозалари даражасида бўлишини таъминлашдир.

— Бундай ипак маҳсулотидан тайёрланган газламалар ҳам албатта, харидор талабига жавоб беради, — дейди

корхона раҳбари Бахтиёр Муртазов. — Шу боис ҳам хорижий харидорлар сани кенгайтириш, 100 фоиз маҳсулотни четга экспорт қилиш мақсадида ипак

тириб, парваришлашни йўлга қўйганмиз. Бу борада мамлакатимиздаги пилла тайёрлаш бирлашмалари билан ҳамкорликда иш юритамиз. Илконтратларимиздан келиб чиққан ҳолда ойига 12 тоннадан ипак иплари ишлаб чиқариб, уларни хорижий буюртмачиларга етказиб берамиз.

Корхона тадбиркорлари келгусида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маҳсулот сифати ва ҳажмини оширишни ҳам режалаш турибди. Бу эса кўшимча ишчи ўринлари яратилишида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Энг асосийси эса «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиқи ипак иплар хорижий бозорда ўз ўрнига эга бўлади.

Дилноза СОДИКОВА СУРАТЛАРДА: ўраш цехи илғори Александра Царева; Наргиза Дасанова ўраш цехида сидқидилдан бажаради; корхона цехларида. Наталья Семёнова олган суратлар



иплар сифати ва рақобатбардошлигига эътибор қаратамиз. Шуниси эътиборлики, биз ўзин керакли хом ашё — пиллани ҳам ўзимиз етиштирамиз. Бунинг учун Хитойдан ипак қурти уруғини кел-

тириб, парваришлашни йўлга қўйганмиз. Бу борада мамлакатимиздаги пилла тайёрлаш бирлашмалари билан ҳамкорликда иш юритамиз. Илконтратларимиздан келиб чиққан ҳолда ойига 12 тоннадан ипак иплари ишлаб чиқариб, уларни хорижий буюртмачиларга етказиб берамиз.

Корхона тадбиркорлари келгусида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маҳсулот сифати ва ҳажмини оширишни ҳам режалаш турибди. Бу эса кўшимча ишчи ўринлари яратилишида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Энг асосийси эса «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиқи ипак иплар хорижий бозорда ўз ўрнига эга бўлади.

Дилноза СОДИКОВА СУРАТЛАРДА: ўраш цехи илғори Александра Царева; Наргиза Дасанова ўраш цехида сидқидилдан бажаради; корхона цехларида. Наталья Семёнова олган суратлар

## ЎЗБЕКИСТОН — БОЛГАРИЯ: ҚЎШМА КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК МАРКАЗИДА 3 АПРЕЛЬ КУНИ САВДО-ИҚТИСОДИЙ ВА ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ҲАМКОРЛИК БЎЙИЧА ҲУКУМАТЛАРА О ҚЎШМА КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Болгария Республикаси Минтақавий тараққиёт ва ободончилик вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда икки мамлакатнинг энергетика, банк-молия, транспорт, сайёҳлик, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, озиқ-овқат каби соҳаларида фаолият кўрсатаётган қатор вазирлик ва идоралари, фирма ва компанияларидан вакиллар иштирок этиди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазир, қўшма комиссия ҳамраиси Элёр Ганиев Болгария Республикаси мамлакатимизнинг Европадаги муҳим ҳамкорларидан эканини таъкидлади. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани ва бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида қайд этди.

Болгария делегацияси раҳбари — ушбу давлатнинг минтақавий тараққиёт ва ободончилик вазир, қўшма комиссия ҳамраиси Асен Гагаузов мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатдорлик асосига қурилган ҳамкорлик сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасида ҳам икки мамлакатнинг имкониятлари катта. Лекин улардан тўлиқ фойдаланилапти, деб бўлмади. 2006 йилда мамлакатларимиз ўртаси-

даги товар айирбошлаш ҳажми 4,13 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Ўзбекистон Болгарияга асосан пахта толаси, калава, рангли металл, механик ускуналар, ноорганик кимё, нефтни қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни экспорт қилади. Болгариядан эса дори-дармон, пластмасса, эфир мويи, қандолат маҳсулотлари, атторлик буюмлари импорт қилинади.

Ўзбекистонда болгариялик сармоядорлар билан ҳамкорликда тузилган йигирмага яқин қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда Болгариянинг олти компанияси ўз ваколатхонасини очган. Болгарияда эса йигирмага яқин Ўзбекистон — Болгария қўшма корхонаси ишлаб турибди.

Икки мамлакатнинг ўзаро муносабатлари ҳукуматлараро ва идоралараро даражада имзоланган ўттизга яқин ҳужжатга асосланади. Улар орасида сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликка доир битимлар бор.

Қўшма комиссия мажлисида икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлики янада ривожлантириш имкониятлари кўриб чиқилди, истиқболли соҳалар белгилаб олинди. Қўшма корхоналари ва товар айирбошлаш ҳажмини ошириш масалалари муҳокама қилинди. Икки томон учун ҳам манфаатли бўлган қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан фикр алмашилди.

Надира МАНЗУРОВА, ЎЗА мухбири

## ДУНЁНИНГ ЭНГ ЙИРИК МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ВА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗЛАРИДАН БИРИ — АҚШ КОНГРЕССИ КУТУБХОНАСИДА «АЛИШЕР НАВОЙИ ВА УНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТИГА ТАЪСИРИ» МАВЗУГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО СИМПОЗИУМ БЎЛИБ ЎТДИ. ТАДБИР МАЗКУР КУТУБХОНА ҲАМДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ АМЕРИКАДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

### ХАЛҚАРО АНЖУМАН АЛИШЕР НАВОЙИНИНГ ИЖОДИ ВА МЕРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

АҚШнинг академик, сиёсат ва эксперт-таҳлилчи доираларида катта қизиқиш уйғотган ушбу анжуман ишида Американинг турли университет ва тадқиқот марказлари, дипломатия корпуси, Конгресс, Давлат департаменти ва бошқа расмий идоралари, ижтимоий-маданий ташкилотларнинг юздан ортиқ вакили иштирок этди.

Йиғилганларни қутлар экан, Ўзбекистон Республикасининг АҚШдаги элчиси Абдулазиз Комилов буюқ шоир ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг бой маънавий мероси ўзбек халқининг улкан маданий мероси эканини таъкидлади. Элчи Ўзбекистон ҳукумати ва шаҳсан Президент И.А.Каримов Навоий ҳамда ўзбек халқининг бошқа буюқ аждодлари, мутафаккирлари яратган ноёб меросни асраб-авайлаш ва ўрғанишга катта эътибор қарата-

шэрийят санъатининг чўққиси забот этилганига ургу беришди. Алишер Навоий эски ўзбек тилининг маданий ва бадий аҳамиятини назарий жиҳатдан тўла асослаб берди. Навоий ижоди нафақат ўзбек адабиёти, балки барча туркий халқлар адабиёти тараққиётига салмоқли таъсир кўрсатди.

Асосий маърузалардан сўнг бўлиб ўтган мунозаралар чоғида буюқ шоир ва давлат арбобининг сўнмас буюқ меросининг аҳамияти тўғрисида кўплаб илҳиқ, санимий ва ҳаққоний фикрлар билдирилди. Олим ва мутахассислар Навоий ижоди ва у ашаган даврини кенг тарихий-маданий, цивилизацияон ва адабиётшунослик нуқтаи назаридан атрафлича кўриб чиқдилар. Симпозиум катнашчилари Навоий даҳоси ўзида ўзбек халқи ҳамда Марказий Осиё минтақасида истиқомат қилувчи бошқа халқлар маданий ва маънавий ҳаётининг юксалиши ҳамда гуллаб-яшнашини яққол ифодалаб бергани тўғрисида яқдиллик билдирилди. Темурийлар бошқаруви даврида «Ўрта асрлар Шарқ уйғониши» ўз чўққисига кўтарилди.

(Давоми 2-бетда)

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган «Халқ ижодиёти поезди» Фарғона вилоятининг шаҳар ва туманлари бўйлаб ижодий сафарда бўлди. Ўзининг 2000 йиллик тўйига қизгин ҳозирлик кўраётган мазкур шаҳарда кечган учрашувлар кўтаринки ружда ўтди.

● Қашқадарё вилоятининг Қарши ва Косон туманларида БМТнинг Болалар жамғармаси ҳомийлигидаги «Оилавий таълим» дастури амалга оширила бошланди. Дастурнинг бош мақсади болани туғилган кунидан бошлаб олти ёшга тўлгунча парвариш қилиш, ақлий ва жисмоний ривожлантиришдир.

● Халқ таълими вазирлиги, «Камолот» ЕИХ ҳамда «Маҳалла» жамғармасининг Тўртқўл тумани бўлимлари ҳамкорликда «Миллий ўйинлар фестивали»ни ўтказди. Фестивалда тумандаги барча маҳаллалардан болалар жамоалари унутилиб кетаётган бир қанча миллий ўйинлар, кураш, варрак учириниш бўйича куч синашдилар.

● Хоразм Маъмур академиясида йирик археолог ва этнограф, машҳур тадқиқотчи олим С.П.Толстов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган «С.П.Толстов ва Хоразм цивилизацияси» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

● Лапар ва ўлан ижрочилари II анъанавий республика кўрик-танловининг Наманган вилоят босқичи якунланди.

● Андижон вилоятининг Бўз туманида «Ost West Asi» Ўзбекистон — Исроил қўшма корхонасининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича филиали ўз ишини бошлади. Корхонанинг замонавий анжомлар билан жиҳозланган цехларида мевалар, сабзавотлар, қўқатлар, ёнғоқни қуритиш, навларга ажратиш ва қадоқлаш ишлари амалга оширилади.

● Жорий йилнинг апрель ойида «Ўзбекингилсаноат» акциядорлик компанияси томонидан шу йил ишга туширилиши мўлжалланган 20 та корхонанинг тўққизтаси ўз фаолиятини бошлади. Бинобарин, бу йил ишга тушириладиган корхоналарнинг умумий қиймати 136 миллион долларни ташкил этиб, уларнинг ярми хориж сармояси асосида фаолият бошлайди.

● «Шўртан» унитар шўъба корхонаси ҳар йилгидек «Ижтимоий ҳимоя йили»да ҳам ҳар бири 40 хонадонга мўлжалланган 2 та кўпқаватли уйлар қуриш учун 4,2 миллиард сўмлик маблағ ажратди. Бу уйларни «Қашқадарёнефтьгазсаноатқурилиш» ОАЖ бинокорлари тиклашмоқда. Ҳадемай янги уйларга кўплаб оилалар кўчиб киришади.

## ЖАҲОНДА

● Куба ва Испания мамлакатлари ўртасидаги муносабатлар янги босқичга чиқди. Европа давлатлари орасида илк бор Испания ташқи ишлар вазири Мигел Анхел Мартинеснинг Кубага ташрифи чоғида шундай фикрлар билдирилди. Таъкидлаш керакики, 2003 йилда 75 нафар диссидентнинг мамлакатдан чиқариб юборилиши оқибатида Европа Иттифоқи Кубага санкциялар жорий қилган эди. Режага кўра Испаниядан сўнг Европа Иттифонининг бошқа давлатлари ҳам Куба билан ўзаро дўстона муносабатларни тиклайдилар.

● Эрон Миллий хавфсизлик Олий Кенгаши раҳбари Али Ларижоний расмий Лондонни Буюқ британиялик 15 нафар ҳарбий денгизчининг қўлга олиниши билан боғлиқ юзага келган вазиятни дипломатик йўл билан қайта қилишга қаҳриди.

● Украинада юзага келган сиёсий таназул тобора чуқурлашиб бормоқда. Мамлакат Президенти Виктор Ющенко Олий Радани тарқатиб юбориш ҳамда муддатидан олдин парламент сайловлари ўтказиш тўғрисидаги фармонининг бажарилишини талаб қилмоқда. Бироқ, шунга қарамай, парламент ўз ишини давом эттирмоқда. Бош вазир Виктор Янукович агарда Президент фармонини бекор қилмаса нафақат муддатидан олдин парламент сайловлари, балки президент сайловлари ҳам ўтказилишини билдириди.

● Сўнги маълумотларга кўра Соломон оролларида рўй берган қучли зилзила ва цунами натижасида ҳалок бўлганларнинг сони 24 тага етган. Бироқ, бир қанча қишлоқларни бутунлай сув босганлиги ва у ерларда қутқарув ишлари бошланмаганлиги туфайли қурбонларнинг сони ортиши мумкин. Табиий офат туфайли Соломон оролларида фавқулодда ҳолат жорий этилди.

● Перу Президенти Алан Гарсия мамлакат ҳарбий ҳаво қучларига Амазонка чангалзорларидаги гивёнд модда тайёрлайдиган лабораторияларни бомбардимон қилишга буйруқ берди.

● Мамлакат Бош вазири Андрус Ансипининг ваколат муддати тугаганлиги туфайли Эстония ҳукумати истеъфога чиқди.

● Францияда Шри-ланкалик 17 нафар муҳожир қўлга олинди. Улар «Тамил Илам озодлик йўлбарслари» жангарилар гуруҳини молиявий қўллаб-қувватлашда айбланмоқда.

● Жаҳон банки дунё мамлакатларида миграция ҳолати бўйича ҳисобот эълон қилди. Ушбу тадқиқотда жаҳонда энг кўп муҳожирлар жалб этаётган давлатларнинг ҳам рўйхати берилган. Унга кўра АҚШда қурраи замин миқёсидаги энг кўп муҳожирлар (34 миллион 988 минг киши) ишлайди. Хорижлик ишчиларни қабул қилиш борасида кейинги ўринлари Россия ҳамда Германия давлатлари эгаллаб турибди.



# ТАДБИРКОР

## «Ташаббус—2007» голиблари ХОРИЖДА ХАМ ХАРИДОРГИР

**КЎРКАМ ВА ЗАМОНАВИЙ, МУСТАҲКАМ ВА МУХТАШАМ БИНО ВА ИНШОТЛАР МУСТАҚИЛ ЮРТИМИЗ ЧИРОЙИГА ЧИРОЙ ҚЎШМОҚДА. АЛБАТТА, БУ БОРАДА МОҲИР МЕЪМОР, ЛОЙИХАЧИ ВА ТОЛМАС ҚЎЛЛИ БУНЁДКОРЛАРНИНГ ҲИССАСИ БЕКИЁСЛИГИНИ ТАЪКИДЛАГАН ҲОЛДА СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ ҚУРИЛИШ АШЁЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРАЁТГАН КОРХОНАЛАРНИНГ, ИЗЛАНУВЧАН ТАДБИРКОРЛАРНИНГ МУНОСИБ ҮРНИНИ ХАМ АЛОҲИДА КЎРСАТИШ ЛОЗИМ.**

Айниқса, мамлакатимизда тадбиркорлик ривожига қаратилган юксак эътибор боис ҳам бунёдкорлик қўламини кенг авж олган, европача ва шарқона меъморчилик анъаналари уйғунлашган салобатли ва замонавий бинолар, равон йўлу мустаҳкам кўприклар қад ростлаётган бугунги кунда хорижликнинг ўрнини босадиган қурилиш ашёларини тайёрлаш рақобатбардошлигини оширишга маҳаллий ишлаб чиқарувчиларимиз муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Ана шундай корхоналардан бири фаолият бошлаганига ҳали кўп вақт ўтмасда, бунёдкорлик сифати ва самардорлигига ўз маҳсулоти билан муҳим улуш қўшаётган, буюртмачилари сафи кенгайиб, ҳатто хо-



рижга ҳам товар экспортини йилдан-йилга ошириб бораётган «ALUBOND ROISON BUILDING TECHNOLOGY» шўба корхонасида нафақат ишлаб чиқариш ҳам, балки қурилиш ашёларининг сифатли турларини тайёрлаб қурилиш ташкилотларига етказиб беришга эътибор қаратилмоқда.

Кейинги йилларда шахримизда қад ростлаётган биноларнинг ташқи кўринишига эътибор қаратган бўлсангиз, турли рангдаги алюмин безак панеллари кўрк бағишлаганига гувоҳ бўласиз. Юқоридаги корхонада ҳам ана шундай алюмин композит панелларнинг турли ранг ва ҳажмлари буюртма асосида тайёрлаб берилди. Ушбу

панеллар фақатгина биноларнинг ташқи гўзаллигини таъминлабгина қолмай, балки ички пардоз юмушлари учун ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Шуниси эътиборлики, ички алюмин безак ашёсининг 15 йиллик, ташқи (фасада) алюмин композит панелларининг эса 25 йиллик қафолат муддати бор.

Корхона цехларига ўрнатилган Германия ускуналарида унумли фойдаланган ҳолда тайёрланаётган қурилиш маҳсулотининг 35 фоизи хорижий давлатларга экспорт қилинаётгани ҳам тадбиркорларнинг изланишларидан, бозорни тинмай ўрганиб бораётганидан дарак беради. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, корхона маҳаллийлаштириш дастури асосида иш юритиб, маҳсулот

бўйича департаменти бошлиғи Ирода Ризаева, — ҳозирда маана шундай маҳсулот тайёрлаш бўйича Марказий Осиёда ягона жамоалардан бири саналамиз. Бу албатта, зиммамизга катта масъулият оқлайди. Шу боис ҳам ички, ҳам ташқи бозорни ўрганишга, маҳсулотимизнинг юқори сифатини таъминлашга катта эътибор билан ёндашамиз. Экспорт ҳажминини ошириш, хорижий харидорларни жалб этиш ниятида Россия, Қозоғистон ва Бирлашган Араб Амирикларидан Савдо уйлари ва ваколатхоналаримизни ташкил этганмиз. Улар ҳозирда муваффақият билан фаолият кўрсатмоқда. Айни пайтда Россия бозорига дадил қадамлар билан кириб бораёламиз. Шунингдек, халқаро кўргазмаларда фаол иштирок этиб, маҳсулотларимиз алоҳида эътироф этилмоқда, фойдали шартномалар имзолаялмиш. Бу эса ишлаб чиқаришнинг ривожлантириш, тайёрланаётган замонавий қурилиш ашёлари турларини янада оширишда муҳим омил бўлмоқда. Шу боис ҳам ҳозирда янги хорижий технологик линияни келтириб ўрнатиш ҳаракатидамиз ва янги маҳсулотимизни харидорларга манзур этиш ниятимиз бор.

Тадбиркорларнинг яна бир муваффақияти хусусида алоҳида таъкидлаш арзийди. Чунки бу ютук чинакамга изланишлар самараси ҳисобланиб, Президент соврини учун ўтказилган «Ташаббус—2007» курик-танловининг Ҳамза тумани ҳамда пойтахт босқичида 1-ўринни қўлга киритган корхона раҳбари Дониёр Раҳматуллаев «Энг яхши тадбиркор» шарафли номига сазовор бўлди. Танловнинг республика босқичида эса «Энг яхши экспорт қилган корхона» номинацияси голиблигига эришди. Албатта, ушбу рағбатлар келгуси муваффақиятларга гаров бўлади.

Шарифа ИЛЁСОВА  
СУРАТЛАРДА: корхонанинг экспорт масалалари бўйича департаменти бошлиғи Ирода Ризаева режалар хусусида гапирмоқда; мутахассис Альберт Бадалов.



## САХОВАТДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙЛИК

Мамлакатимиз пойтахти—Тошкент шаҳрида жойлашган, халқимиз маънавий меросининг узвий бир қисми бўлган Ҳазрати Имом (Ҳасимом) меъморий мажмуасида қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш мақсадида «Ҳазрати Имом (Ҳасимом) жамоатчилик жамғармасини қўлаб-қуватлаш тўғрисида» Президентимиз томонидан қабул қилинган Қарор бутун ҳамюртларимизнинг кўнгилларини ҳушуд этди. Зеро, ушбу Қарор муқаддас ислом дини ва фалсафасини, унинг инсонпарварлик ғояларини кенг ёйишга хизмат қилиб келаётган йирик илмий-маърифий марказнинг асл тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг қўламли қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.

Учрашувимиз, мамлакатимизда бу улғу ва савобли ишга ўз ҳиссасини қўшиш ниятида бўлган инсонлар, корхона, ташкилот ва муассасалар, тадбиркор ва ишбилармонлар қўлаб топилди.

Биз газетамиз орқали ана шундай саховатпешаларга

**ҲАЗРАТИ ИМОМ (ҲАСИМОМ) ЖАМОАТЧИЛИК ЖАМҒАРМАСИНИНГ ҲИСОБ РАҚАМЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:**  
СТПР: 206849483  
МФО: 00423  
Х/р: 20212000604589442001  
АТИБ Ипотека банки Мехнат филиали.

## Санъат

### МАДАНИЯТ САРОЙИНИНГ ДОВРУҒИ

**ТОШКЕНТДАГИ ТЕМИРЎЛЧИЛАР МАРКАЗИЙ МАДАНИЯТ САРОЙИ ҲАМДА ЭЛЛИК ЙИЛЛИК ТАРИХИГА ЭГА.**

Унга Ўзбекистондаги энг яхши меъморий-маданий ёдгорлик деган фахрли ном берилиши ҳам бежиз эмас.

Сарой биносининг қайтадан туб таъмирланиши ҳам аниқ мундоқ бўлди. Бугунги кунда ўз кўркам чиройини кўз-кўз қилаётган бу қошонада 30 га яқин турли бадиий-ҳаваскорлик ва ижодий студиялар ишлаб турибди. «Ассалом, Кўёш» ашула ва рақс ансамбли фаолияти айниқса самарали бўлмоқда. Бундан ўн йил аввал ташкил топган ансамблининг чет эл гастроллари ҳам муваффақиятли ўтди. Бельгияда уюштирилган халқаро фольклор фестивали кунларида ансамбль бир неча концертлар билан чиқди.

Францияга уюштирилган ижодий сафарда ҳам истеъдодлар ўз ижрочилик маҳоратларини ёрқин намойён этдилар.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

## Танловлар

### БИДИМЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНДИ

**БУГУНГИ КУН ЁШЛАРИНИНГ МАЪНАВ БАРКАМОЛ, ЖИСМОНАН СОҒЛОМ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШЛАРИ ЙЎЛИДА ТУРЛИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. ЖУМЛАДАН «КАМОЛ» ЁИҲ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ КЕНГАШИ ТОМОНИДАН ПОЙТАХТ ЁШЛАРИ ҲАМДА ЭЛЛИК ЙИЛЛИК «ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ОЛИМПИАДА» ЛОЙИХАСИ ҲАМ ШУЛАР ЖУМЛАСИДАНДИР.**

Куни кеча Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Интеллектуал олимпиада» лойиҳаси доирасида ўтказилган кўрик-танлов, фестивал ва мусобақа голибларини, жами 72 нафар голибни тақдирлаш маросими катта тантана билан бўлиб ўтди.

Айтиб ўтиш жоизки, ушбу лойиҳа бир неча ўйин ва мусобақаларни қамраб олган бўлиб, улар сирасига «Нима? Қаерда? Қачон?», «Брейн-ринг», «Узимизнинг ўйин» мусобақалари, «Шашка ва шахмат» фестиваллари, «Сиз қонунни биласизми?», «Сиз тарихни биласизми?» кўрик-танловлари кирди. «Нима? Қаерда? Қачон?» ўйини ёшларнинг дунёқарашини кенгайтирибгина қолмасдан, уларнинг фикрларини ҳам оширади. «Брейн-ринг» ўйинлари инсоннинг ақлини чарқайди, зукколикни талаб этади, воқеа ва ҳодисанинг моҳиятига чуқур назар ташлашга ундайди. Энг муҳими, инсон тафаккурини кенгайтиради. «Узимизнинг ўйин» ўйини эса биринчиликка интилишдир. Шашка—бу ақлий тезкорликни талаб этадиган ўйин. Тезкор фикрлаш, тезкор ўйлаш билан бирга бу ўйин самарали ҳордик ҳамдир.

Шахмат инсониятнинг буюк ихтироси бўлиб, ушбу спорт турига донишмандлар асос солганлар. Бу спорт ақл машқи ва озукасидир. У ақлдан тўғри фойдаланишга чорлайди.

«Сиз тарихни биласизми?» кўрик-танловидида иштирок этганлар ўзларининг билимларини синаб кўрадилар. Тарихсиз келажак йўқ! Дарҳақиқат, тарихни билмасдан келажакка йўл олиб бўлмайди.

«Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танлови эса номидан кўриниб турибдики, қонунларимизга бағишланган. Ҳар бир инсон қонунни билиши шарт, чунки уни билмасдан қонун устувор бўлган давлат куриб бўлмайди. Қонун деганда кўпчилик ҳуқуқини тушунади, тўғри ҳамма ҳуқуқини билиши керак, лекин бурчимизни ҳам билиб қўйсақ ёмон бўлмайди. Бир сўз билан айтганда бўлсақ, бу лойиҳадан асосий мақсад ўқувчи ёшларнинг билим салоҳиятини ошириш ва уларнинг интеллектуал қобилиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ва ёшларни ҳар томонлама етук тарбиялашдир. Зеро «билагни зўр бирни йикитар», деб бежизга айтилмаган.

Азиза МУҲАМЕДОВА

## Хусусий тадбиркорлик

### БУЮРТМАЧИЛАР САҒФИ ОРТИБ БОРМОҚДА

**ИНСОН БИР ИШГА БЕЛ БОҒЛАСА ВА УНИ АДО ЭТИШ ЙЎЛИДА АСТОЙДИЛ ҲАРАКАТ ҚИЛСА, АЛБАТТА КЎЗЛАНГАН МАҚСАД ИЖОБАТ БЎЛАДИ. ЛЕКИН БУ ЙЎЛДАГИ МАШАҚАТЛАРДАН ЧЎЧИМАСЛИК, САБР ВА ҚАНОАТ, ИЗЛАНИШ ҲАМДА ИНТИЛИШ ҲАМ КЕРАК БЎЛАДИ.**

Бугунги кунда эзгу ниятга эришиб, хунармандларнинг сарасига айланган, ўз йўналишини, услуби орқали бетакрор мебель маҳсулотлари тайёрлашга муваффақ бўлаётган ва буюртмачилари сафи тобора ошиб бораётган Бахтиёр Турдиев ана шундай инсонлар сирасига кирди.

—Мен тайёрлаётган антиквар мебеллар нафақат кўриниши, балки мустаҳкамлиги билан ҳам ажралиб туради, — дейди хунари гузал уста Бахтиёр Турдиев. — Шу ўринда таъкидлашим жоизки, 1987 йилдан буён шу касб билан шуғулланиб келаётган бўлсам, асосан мустақиллик йилларида ишларим баракали бўлди. Аввалига оддий стол ва стуллар ясадим. Сўнгра мамлакатимизда тадбиркорликка очилган кенг йўл тўғрисида шарт-шартлардан оқилона фойдаландим. Айниқса, миллий хунармандчиликка қаратилган эътибор, солиқ борасидаги қатор

сусий тадбиркорга бу борада шогирдлари яқиндан ёрдам бермоқда. У ўзи фаолият кўрсатаётган Собир Раҳимов туманидаги Алишер Навоий номи маҳалладаги кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига хунари сирларини мукамал ўргатмоқда. Айни кунларда 12 нафар йигитлар устозларидан ибрат олиб аркон усулида мебеллар тайёрлаш, ёғочга ишлов бериш сингари ишларни пухта ўзлаштиришмоқда. Айниқса, хунари эгалари тайёрлаётган стол, стул, ўриндик, ошхона ва мехмонхона жиҳозлари, кириш йўлакларини учун мебеллар кўриниши ва сифати билан ажралиб туради. Маҳсулотларнинг миллийлик ҳамда европача услуб уйғунлашган ҳолда ишлаб чиқарилаётгани қўлаб харидорларга манзур бўлмоқда. Уларни безатишда жимжамдорликка қаратилган эътибор мебеллар харидорларининг таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бозорни ўрганиш ва харидор эҳтиёжидан келиб чиқши асосида ишлаб чиқарилаётган мебеллар сифатини ошириш ҳамда танхарини арзонлаштириш мақсадида аниқ кунларда Бахтиёр Турдиев жамоа аъзолари билан фанер хом ашёсидан самарали фойдаланган ҳолда мебел турларини кўпайтириб, ишлаб чиқаришни кенгайтирмоқда. Айниқса, бугунги кунда хунардан тайёрлаган ойнали сервантлар хонадонларга алоҳида фойз бағишламोқда. Хунардан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган «Ташаббус» курик-танловларда бир неча бор голиблар қаторидан ўрин олган. Бу, албатта, изланиш ва мақсад сари интилишнинг самарасидир.

**Шарофат БАХРОМОВА**  
СУРАТЛАРДА: Бахтиёр Турдиев (чапда) ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда; хунардан тайёрлаган антиквар мебель турлари.

Хакимжон Солиҳов олган суратлар



### МУҚОБИЛ ТЕКШИРИШЛАР ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Муқобил текширишлар ҳақида маълумот берсангиз. Бу ҳақда Президентимизнинг Фармонида қандай кўрсатилган?

Сайфулла Пўлатов, тадбиркор.  
Президентимизнинг 2005 йил 14 июлдаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармонида «муқобил текширишларни ўтказиш чоғида тадбиркорлик субъектларига бориш ва уларни текширишга тааллуқли бўлмаган молия-бухгалтерия ёки бошқа ҳужжатларни талаб қилиш ман этилсин», деб айтиб ўтилган. Бундан кўриниб турибдики, текшириш у ёқда турсин, ҳатто корхонага бориш ҳам тақиқланган.

Агарда буни соддароқ қилиб тушунтирилса, масалан, корхонага бирор корхона билан алоқа қилган. У корхонада текшириш кетаяпти. Прокуратура ёки ички ишлар ходимлари корхонада содир этилган қамомат, юлчилик ёки солиқни ўзи вақтида тўламагани учун жиноий иш очади. Фармон чикмасдан илгари ана шундай ҳолатларда ўша корхона билан алоқа қил-

ганингиз учун сизнинг корхонагизни ҳам бошдан оёқ текшириб чиқарди. Эндиликда эса ўша корхона билан қилган алоқанигиз ҳақида маълумот талаб қилинади, ҳолос. Бу эса сизнинг қимматбахо вақтингизни тежаш баробарида асаббузарликларнинг, беҳуда югур-югурларнинг олдини ҳам олади.

### КОРХОНА ОЧМОҚЧИМАН...

Ишлаб чиқариш корхонаси очиб, тадбиркорлик билан шуғулланиш ниятидаман. Янги очилган корхоналарда неча йилдан сўнг текшириш ўтказилади? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Анвар Эшимов, Миробод тумани.  
Янги очилган корхонада икки йилдан сўнг текшириш ўтказилади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текшириш янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармонида шундай дейилган: «Янги ташкил қилинган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер ҳўжалиklarининг молия-ҳўжалик фаолиятини улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб икки йил мобайнида режа асосида текшириш ўтказилмайди».

Аммо шунинг унутмаслик кераки, бу икки йилгача фаолиятингизда қонун бузилишларга йўл қўйиш мумкин, дегани эмас. Мабоодо корхонада қонун бузилишига йўл қўйиладиган бўлса, қачон очилганидан қатъи назар текшириш ўтказилаверади. Шу боис қонунларга риоя қилмоқ даркор.


## Бўш вақтингизда

### ВАЪДАГА ВАҒО ҚИЛАСИЗМИ?

**ҲАР БИР СОҲАДА БЎЛГАНИ КАБИ ТАДБИРКОРЛИКДА ХАМ ҚАТЪИЯТ, ТЎҒРИ СЎЗЛИК, ВАЪДАГА ВАҒО ҚИЛМОҚ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТИБ, АТРОФДАГИЛАР, ШЕРИК ВА ҲАМКОРЛАРНИНГ ИШОНЧINI ОШИРАДИ. СИЗ ҲАМ ТАДБИРКОРСИЗ ВА ФАОЛИЯТИНГИЗ ДАВОМИДА БАРЧА ВАЪДАНИНГИЗНИНГ УСТИДАН ЧИҚАСИЗМИ, СЎЗИНГИЗДА ТУРА ОЛАСИЗМИ? БУНИ ҚУЙИДАГИ ТЕСТ САВОЛЛАРИГА ТЎҒРИ ЖАВОБЛАРИНГИЗ ОРҚАЛИ АНИҚ БИЛИШИНГИЗ МУМКИН.**

1. Бирор қарорга келдингиз, у албатта, бажарилши керак.  
А) Албатта (2);  
Б) Шароитга қараш керак (1);  
В) Машина эмасман-ку (0).
2. Мени билган барча одамлар ишончли одам деб баҳо берсин.  
А) Шунини истайман (2);  
Б) Бу шарт эмас (0);  
В) Балки шундайдир (1).
3. Ҳамама ўз имкониятини била олмайди, лекин менга ишонши мумкин.  
А) Жудам тўғри (2);  
Б) Умид қилиш мумкин (1);  
В) Бундай дейишим қийин (0).
4. Раҳбар қаттиққўл бўлса, жамоа кўнгилдагидек ишлайди.  
А) Бу тўғри гап (2);  
Б) Ижодий ишда бу зарур эмас (0);  
В) Булар-бўлмасга талаб қилмаслик керак (1).
5. Арзиманган юмушларни ҳам бажара олманган одамга катта ишларни ишониб бўладими?  
А) Баъзида шундай бўлади (1);  
Б) Шундай бўлиши аниқ (2);  
В) Одамлардан ҳар нарсани кутиш мумкин (0).
6. Менга доимо кўз-қулоқ бўлиб туришмасам,

- жуфтақни ростлаб қоламан.  
А) Бу тўғри гап (0);  
Б) Ҳеч қачон бундай бўлмайди (2);  
В) Бир нарсга доғайман (1).
7. Ҳеч қачон олдиндан белгиланган режаларни бажара олмайман.  
А) Режага қатъий риоя қилман (1);  
Б) Ҳоҳида ундай, гоҳида бундай (0);  
В) Бир хилда ишламайман (2).
8. Аввало ўзингиз нитизомли бўлсангиз, биринчи тартибга қақира оласан.  
А) Албатта, бу тўғри (2);  
Б) Балки шундайдир (1);  
В) Қўпича бунинг акси бўлади (0).
9. Мабоодо бировга ваъда қилсангиз, унинг устидан чиқаман.  
А) 99 фоиз шундай бўлади (2);  
Б) Ваъдатга қараб иш тутаман (1);  
В) Ўйюқ (0).
10. Тадбиркор ҳар доим виждонини қийнайдиган ҳақида эмас, балки ўз фойдасини ўйлаши керак.  
А) Унда узокқа бориб бўлмайди (0);  
Б) Аввало ўз шаънини ўйлаши лозим (2);  
В) Иккаласи ҳам муҳимдир



имтиёзлар ишимиз ривожига муҳим омил бўлди. Рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш устида изиланиб 1996 йилдан янги технологиялар асосида мебель турларини тайёрлаб бораётган ҳолда пишиқ ва мустаҳкам ёнғок, чинор сингари даракхаллардан тайёрланган хом ашёдан фойдаландим. Аввалига аҳоли, кейин эса корхона ва ташкилотлардан ҳам буюртмалар тушди. Маҳсулотлар дизайнинга эса буюртмачилар талабидан, фикр-мулоҳазаларидан келиб чиқиб катта эътибор қаратдим. Шунини мамнуният билан айта оламаники, пойтахтда, республика бўйича харидорларни таъминлаган ҳолда қўшни Қозоғистон ва Қирғизистон давлатларига ҳам маҳсулот чиқараялмиш.

ОЗ-ОЗ ҲАҚИДА ДОМО БУЛУР...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

Элга не келса айламас панд Улқи, кўнглини қилди гафлат банд. Кимки панд олди элга тушгандин, Они билким, эрур саодатманд.

Эмас ул пахлавонки, ўз қадрин Бош уза элтибон нигун қилгай. Пахлавон они билки, етса газаб Нафси амморани забун қилгай.

Эр киши кўп ясанса, бева бўлгай, бу сифат зуа-фога шева бўлгай. Ясаниш—аёлларга хос. Шундай экан, кўп ясанган эркак аёлга ўхшайди.

Эски чапон била фориг туфроғда ўлтурмоқ яхшироққим, зарбафт хафтон кийиб, биров олида турмоқ.

Эмас афлуку анжум холи бенафъу зарар, лекин Ани тенгри билур, эрмас унажжим билмаги мумкин.

Эхсон ҳар неча зеби инсон келди, Эхсонда тараб иккинчи эхсон келди.

Эхсонки қилурсен ифтихор айлаб ани, Оламда улук иш эътибор айлаб ани, Ҳеч айлама элга гирудор айлаб ани, Қилгил ики онча эътизор айлаб ани.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Таълим масканларида БИДИМ ВА ХУНАРЛАРИНИ КЎРСАТИШДИ

БУГУНГИ КУНДА ТАЪЛИМ МАСКАНЛАРИДА ЁШЛАРИНГ ДОНО, ЗУККО, ЗЕХЛИ БЎЛИБ ЎҚИБ ИЛМ ОЛИШЛАРИ БИЛАН БИР ҚАТОРДА, ХУНАР ЎРГАНИШЛАРИГА ҲАМ КАТТА АҲАМИЯТ ҚАРАТИЛМОҚДА.

Шаҳримиздаги 123- мактабда бўлиб ўтган «Илм истар кўнгиллар, хунарга чорлар йўллар» мавзудаги тадбирда ҳам мактаб ўқувчилари ўзларининг билимларини кўрсатиш билан биргаликда, тўғарақда ўрганган хунарларини ҳам намойиш қилдилар.

«Бизнинг мактабимизда ўқувчиларнинг ўқиб изланишлари, ўз билимларини мукамал мустаҳкамлашлари ва келажакда бирор бир касбнинг устаси бўлиб етишишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди 8-«В» синф раҳбари Насиба Ходжаева. — Ўқувчиларимизнинг аксарияти қобилиятли, билимдон. Таълим масканимизда улар учун

турли хил фан ва хунарга йўналтирилган тўғарақлар фаолият кўрсатмоқда. Дарс бериш билан бирга тўғарақлар фаолиятини юритаётган, йигирма, ўттиз йилдан бери ўзининг ҳаётини сабоқ беришдек машаққатли ва шарафли ишга бағишлаган фидойи ўқитувчиларимиз Муяссар Холматова, Лобар Раупова, Маърифат Абдурасулова, шунингдек, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти раиси, ёш, изланувчан кизимиз Умидахон Нишоновна ўқувчиларнинг бўш вақтларини унумли, самарали ва фойдали ўтказишлари учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Дарҳақиқат, Учтепа туманидаги мазкур мактабда ўқувчиларнинг илм олишлари, билимларини мустаҳкамлашлари ва турли хил тўғарақларда бўш вақтларини қизиқарли ва унумли ўтказишлари учун лаборатория, компьютер, ЭХМ хоналари, ўсимликлар дўниси ва турли хил кўрғазмалар бурчақлар ташкил қилинган.

«Илм истар кўнгиллар, хунарга чорлар йўллар» мавзудаги тадбир ҳам ушбу самарали ишларнинг бир кўриниши бўлди. Гулчехра ДУРДИЕВА СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.



Спорт янгилликлари ПОЙТАХТ ВАКИЛИ—ЧЕМПИОН!

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН» СПОРТ МАЖМУИДА ФУТЗАЛ БЎЙИЧА МАМЛАКАТ ХИ ЧЕМПИОНАТИНИНГ СЎНИГИ БОСҚИЧИ ДОИРАСИДАГИ УЧРАШУВЛАР ЎТКАЗИЛДИ.

Бу йилги мусобақада Тошкент шаҳри шарофини ҳимоя қилаётган «Ардус» жамоаси чемпионлик унвонини муносиб ҳимоя қилди ва кетма-кет учинчи мартаба олтун медалга сазовор бўлди. Сўнгги тур олдидан пойтахтлик футболчилар таъкибчиларидан анча ўзиб кетган бўлса-да, яқиний босқичда ҳам фақат ғалаба қозонишди.

Пойтахтликлар «Чирчиқ»ни (Тошкент вилояти) 6:3, «Строитель-ПЭМ»ни (Навоий) 3:0, «Турон-С»ни (Андижон) 9:3, «Строитель»ни (Зарафшон) 2:1, «Жиззах-С»ни (Жиззах) 11:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Зарафшоннинг «Строитель» жамоаси вакиллари ҳам сўнгги босқич олдидан «Ардус»дан ортада қолиб кетганига қарамай иккинчи ўринни деярли нақд қилиб қўйганди. Зарафшонликларнинг «Ардус»га 1:2, «Строитель-ПЭМ»га 3:4 ҳисобида имкониятни бой бериши ҳам уларнинг чемпионати иккинчи поғонада яқуллашига ҳалат қилмади.

Чемпионатнинг бронза медални учун «Строитель-ПЭМ» ва «Турон-С» ўртасидаги кураш охиригача давом этди. Узаро учрашувда андижонликлар «Строитель-ПЭМ»ни 3:2 ҳисобида мағлубиятга учратиб, очколар бўйича навоийликларга етиб олган бўлса-да, уларга бронза медалини қўлга киритиш насиб этмади. Соғринли тулар нисбатига кўра «Турон-С»ни орта қолдирган «Строитель-ПЭМ»да қолди.

Чемпионатнинг сўнгги турида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Жиззах-С» — «Турон-С» — 0:4, «Чирчиқ» — «Строитель-ПЭМ» — 6:7, «Турон-С» — «Строитель» — 0:2, «Чирчиқ» — «Жиззах-С» — 6:4, «Строитель» — «Жиззах-С» — 8:4, «Турон-С» — «Чирчиқ» — 6:4, «Строитель-ПЭМ» — «Жиззах-С» — 5:1, «Чирчиқ» — «Строитель» — 3:6.

Шундай қилиб, 94 очко жамғарган «Ардус» футболчилари чемпионати мусобақа жадалининг биринчи поғонасида яқуллади. Қулни ўлик 76 очко эгаси — «Строитель» ва 61 очко тўплаган «Строитель-ПЭМ»дан ташкил топди.

Туларлар баҳсида «Ардус» ҳужумчиси Абдулла Бўриев голиб чиқди. Моҳир футболчи рақиблар дарвозасига саксон тўртта гол киритди. Иккинчи ўринга кирк иккита

Кучлар тенг келди

ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН XVI МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИНИНГ БИРИНЧИ ЛИГАСИДА ИШТИРОК ЭТАЁТГАН ЖАМОАЛАР ДАСТАБКИ ТУР УЧРАШУВЛАРИНИ ЎТКАЗДИ.

Мусобақаниннг илк беллашувлари-даёқ жамоаларнинг мавсумга пухта тайёргарлик кўргани маълум бўлди. Чунки ўтказилган саккиз учрашувдан бешта-сида дуранг натижа қайд этилди ва бу жамоаларнинг кучи, савияси тенглашиб бораётганидан, соғринли ўринлар ва олий лигага бериладиган йўлнамалар учун кураш қизгин ўтишдан далолатдир.

Урганча «Хоразм» жамоаси моҳмони бўлган «Жайхун» (Нукус) футболчилари рақиб майдонидан йирик 3:0 ҳисобидаги ғалаба билан қайтди. Бир неча йилдан буён олий лигага чиқиш учун даъвогарлик қилаётган «Олмалик кон металлургия комбинати» (Олмалик) жамоаси ўз майдонида Яйпаннинг «О.Ақбаров» жамоасини енголмади. Гарчи мезбонлар Ш.Марасулов ва Н.Умархонов томонидан киритилган голлар эвазига икки тўп фарқи билан ҳисобда олдинда бораётган бўлса-да, «О.Ақбаров» жамоаси вакилларида О.Худойбердиев ва А.Ибрагимов жавоб тўпларини киритиб, вазиятни тенглаштирди — 2:2.

Яна бир дебютант — Тошкентнинг «Локомотив-БФК» жамоаси «Кимёгар» (Чирчиқ) дан очко олишга муваффақ бўлди. Қизиқарли ўтган учрашувда ҳисобни чирчиқлик футболчилар очди — 84-дақиқада У.Абдуллаев ҳакам томонидан белгиланган пенальтини аниқ бажарди. Лекин меҳмонларга ғалаба қозониш насиб этмади. Сўнгги дақиқада С.Андреев аниқ зарба йўллаб, ҳисобни тенглаштирди — 1:1.

Дастлабки турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Фаллакор» (Фаллаорол) — «Каттақўрғон» — «Динамо» (Каттақўрғон) 1:1, «Шўрчи» — «Лочин» (Шўрчи) — «Машъал-2» (Муборак) 1:1, «Цементчи» (Қувасой) — «Ўздонг'Жу» (Андижон) 1:0, «Сўғдийна» (Жиззах) — «Оқтепа» (Тошкент) 0:0, «Зарафшон» (Навоий) — «Ромитан» (Ромитан) 2:1, «Косонсой» — «Заковат» (Косонсой) — «Шаҳрихон» (Шаҳрихон) 1:1.

Боҳир БЕК

ВОЛЕЙБОЛЧИ ҚИЗЛАРИМИЗ— ИККИНЧИ

КУНИ КЕЧА «ЖУРЖОНИЙ» БОЛАЛАР СПОРТ МАЖМУАСИДА ЎҚИТУВЧИ АЁЛЛАР ЎРТАСИДА ВОЛЕЙБОЛ МУСОБАҚАСИНИНГ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИ БАҲСЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва мамлакатимиз вилоятларидан ташриф буюрган 14 жамоа ўртасида кечган мurosасиз беллашувларда ярим финалда Сурхондарё, Наманган, Андижон вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри жамоалари етиб келишди. Фолиблик учун Тошкент шаҳри ва Андижон вилояти волейболчилари ўзаро кураш олиб боришди. Мurosасиз, қизиқарли кечган баҳсда омад андижонлик муаллима аёллар томонида бўлди. Ва меҳмонлар бош соғринни қўлга киритишди. Мусобақаниннг фахрли иккинчи ўринига пойтахтликлар муносиб деб топилган бўлса, наманганликларга учинчи ўрин насиб этди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Мунажжим башорати

МУҲИМ ШАРТНОМАЛАРНИ ИМЗОЛАЙВЕРИНГ

5 АПРЕЛЬ, ПАЙШАНБА Бугун Кўёш табиатшунослик қонунларини яхши англаш, табиат билан ҳамоҳанг яшай билиш ҳамда бадий ижодда яхши натижаларга эришиш билан боғлиқ равишда Қўй буржининг 16-даражасида бўлади. Бугун одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатларга аниқлик киритиладиган кун ҳамдир.

Шу кун берилган ҳар қандай ваъдани сўзсиз-бажаришга тўғри келади. Муҳим шартномаларни имзолаш ҳамда масъулиятли музокараларни олиб бориш учун бугун энг қулай пайтлардан бири ҳисобланади.

Оймомамиз бугун ҳар қандай вазиятда ақлий ҳушёрликни бой бермаслик ҳамда атрофдагиларнинг танбехларидан сира ҳафа бўлмасликка даъват этади.

Бугун тасодифан тарозу ёки термометрнинг синиб қолиши алдов ва чалғишлардан огоҳлантирувчи ноҳушлик аломати ҳисобланади.

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ТАБИЙИЙ ГАЗДАН Фойдаланувчи УЛГҮРЖИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

2007 йил 1 апрелдан улгүржи истеъмолчиларга табиий газ учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2007 йил 28 мартда тасдиқланган тарифлар бўйича янги чакана нарх белгиланди:

«Тошкентшаҳаргаз» бошқармаси

Тошкент шаҳрида табиий газдан фойдаланувчи истеъмолчилар диққатига! 2007 йил 1 апрелдан табиий газ ҳақи беш ойдан иборат иситиш мавсумидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир ой учун тенг миқдорда белгиланади.

Иситиш газ асбобидан қатъи назар, аҳоли томонидан уйлар ва хонадонларни якка тартибда иситиш учун фойдаланилган табиий газ ҳақи беш ойдан иборат иситиш мавсумидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир ой учун тенг миқдорда белгиланади.

Иситиладиган майдон мейёри бир кишига 43 метр куб ҳисобида белгиланган. Иситиладиган хонаниннг мейёрий ҳажмини (1 кишига 43 метр куб) иситиш учун фойдаланиладиган газ миқдори белгиланган тарифлар бўйича тўланади. Иситиладиган хонаниннг мейёрдан юқори бўлган ҳажми учун газ ҳақининг бир ярим баравари ҳисобида ҳақ тўланади.

2. Коммунал-маший эхтиёжлар учун табиий газдан фойдаланишда газ ҳисоблагич асбоблари ўрнатилмаган хонадонлар учун белгиланган тарифлар (ГОСТ 5542-87):

Table with 4 columns: Газ тарифи, Улгүржи нархи, Улгүржи нархи, Улгүржи нархи. Rows include gas tariffs for different types of buildings and usage.

1. Табиий газдан фойдаланишда аҳоли учун белгиланган тарифлар:

Table with 4 columns: №, Истеъмолчилар турлари, Ставдирге, Улгүржи нархи, Улгүржи нархи. Rows include tariffs for different types of consumers and usage.

Table with 4 columns: №, Истеъмолчи таърифномаси, Улгүржи нархи, Тариф, Ойлик. Rows include tariffs for different types of consumers and usage.

«Тошкентшаҳаргаз» бошқармаси

Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ, 2007 йил 8 май кунин соат 11:00да «Ўзбекистон банклари Ассоциацияси» биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан тақдим этилган қуйидаги мулклар қўйилмоқда.

2006 йил 6 мартдаги 421/2-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, Низомий кўчасидаги қурилиши тугалланмаган 12-уй. Бошланғич баҳоси — 402 591 987 сўм.

2006 йил 6 мартдаги 422/2-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, Астрономия кўчасидаги илмий текшириш институти ҳудудида жойлашган рақамсиз уй. Бошланғич баҳоси-262 648 500 сўм.

Қизиқш билдирган харидорлар ушбу мулкларни суд ижрозчилари бўлимаси вакили иштирокда бевосита жойга чиқиб кўриши мумкин. Савдода катнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорда закалат пулини «Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банк Автотранспорт филиалининг «Альянс» минибанкдаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 2020800804234776001-ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

ШУНИНГДЕК,

Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги ПК-458-сонли қарори асосида, 2007 йилнинг март ойида ташкил этган аукцион савдолари натижасида, 1972Й.и.ч. д/р. 30J82-73 бўлган «Москвич-412» русумли автотранспорт воситаси 235 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

Савдода катнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўч, 1-уй, тел. 138-69-94, 138-69-93.

Р.Глиэр номидаги Республика махсус мусика академик лицейи жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, композитор, доцент Тўлқин ТОШМАТОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари турар жойлардаги почта бўлимларига еки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида теришди ва саҳифаланди.

«Шорк» ношриёт-матбос ақциядорлик компанияси босмаҳонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6